

ҲАЁТИМИЗ ҚУТ-БАРАКАСИ, ФАЙЗУ ҚУВОНЧИ

МИРИШКОР ДЕҲҚОНЛАРИМИЗНИНГ ФИДОКОРОНА МЕҲНАТИГА БОҒЛИҚ



1

Буларнинг барчаси ички бозор эътиёжини қондириш билан бир қаторда экспорт имкониятларини кенгайтириб, қишлоқ жойларда кўркам ва қўлай бўлган савдо, логистика марказлари ва қайта ишлаш корхоналарини ривожлантирмоқда. Хорижий мамлакатлар бозорлариغا янги истиқболли йўналишлар очилиб, қарийб 1,5 миллион тонна мева-сабзавот маҳсулотлари 65 та давлатга экспорт қилинди. Бу ўринда экспорт кўрсаткичларида ўтган йилдагига нисбатан дуққали маҳсулотлар 122 фоиз, узум маҳсулотлари 142 фоиз, сабзавотлар 103 фоиз ҳамда ёнғоқ маҳсулотлари 1,8 баробар ўсганини алоҳида қайд этиш лозим.

Айни пайтда янги лойиҳалар устида ишлаш, бозор механизми тамойилларини кенг жорий этган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш, хизмат кўрсатиш турларини кўпайтириш ва сифатини янада яхшилаш, малакали мутахассисларни тайёрлаш масалалари давлатимиз диққат марказида бўлмоқда. Ана шу талаб ва мезонлардан келиб чиққан ҳолда соҳада кенг қўллами ислохотларни жорий этиш режалаштирилмоқда.

Жумладан, маҳсулот етиштириш таннархини 30 — 35 фоизга қисқартириш, ер умумдорлигини ошириш, деҳқон ва фермерлар даромадини камда 2 бараварга кўпайтириш, экспортроп маҳсулотлар етиштиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда мева-сабзавотчи-

бошқариш тизимига ўтиш келгусида ўзининг ижобий самарасини кўрсатади, албатта.

Қаерда эркин ишлаб, меҳнати натижасидан баҳраманд бўлиш учун қўлай муҳит яратилса, ўша жойда тараққиёт, фаровонлик бўлади. Бугунги кунда юртимиз деҳқону фермерлари шундай шарт-шароитларга эга. Жумладан, экин учун уруғлик, минерал ўғит ва бошқа зарурий ресурслар бевосита фермернинг даласи бошигача етказиб берилиб, барча турдаги хизматлар кўрсатилган. Асосийси, улар молиявий жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватланмоқда. Хусусан, Президентнинг 2019 йил 17 июндаги Фармони билан тасдиқланган Қишлоқ ҳўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш концепциясида йиллар давомида фойдаланишдан чиққан 1,1 миллион гектар майдонни 2030 йилга қадар босқинча-босқин фойдаланишга киритиш белгиланган эди. Тизимли чора-тадбирлар натижасида 2019 — 2021 йилларда жами 363,4 минг гектар қишлоқ ҳўжалиги ерлари қайта фойдаланишга киритилган бўлса, 2,4 миллион гектар майдонда тўпроқ сифатини баҳолаш ишлари олиб борилди. Бугунги кунда 690,3 минг гектарда шундай жараёнлар давом этмоқда.

2016 — 2020 йилларда паст рентабелли 330,5 минг гектар пахта ва галла майдонни қисқартирилиб, уларда юқори даромадли ва экспортроп маҳсулотлар етиштириш йўлга қўйилди. Бунинг натижасида шу йиллар давомида сабзавот ишлаб чиқариш — 103, картошка — 114, полиз экинлари 110 фоиз, дуққали маҳсулотлар 3,6 баробар, мойли экинлар — 240, чорва озуқаси — 191, мева — 107,4 ва узум етиштириш ҳажми 106 фоиз ўсди.

Салкам 3 миллион аҳоли мавсумий иш билан таъминланди

Деҳқон ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш учун ҳўқуқий, техникавий ҳамда молиявий шарт-шароитлар тўлиқ яратиб берилганлиги соҳада юқори натижаларни кафолатлайди. Минглаб гектар майдонда сувни тежайдиган технологиялар, жумладан, томчилатиб, ёмғирлатиб ва дискрет усулда суғориш жорий қилиниши иш самарадорлиги ва ҳосилдорлигини оширишга йўл очмоқда. Иригация ва мелиорация тадбирлари натижасида 170 минг гектардан ортқ ернинг сув таъминоти ҳамда 140 минг гектардан зиёд суғориладиган майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланишига ҳамда 6 миллиард куб метр обиҳаёт иқтисод қилинишига эришилди.

Аҳамиятлиси, ҳудудларда «темир дафтар», «аёллар дафтари» ва «ёшлар дафтари»га киритилган аҳолини қишлоқ ҳўжалигида иш билан банд этиш ва маҳсулот етиштириш учун 604 минг гектар майдон ажратилиб, жами 3 миллионга яқин аҳоли мавсумий иш билан таъминланди. Ушбу майдонларда даромадли экинлар қилинди.

Соҳани ривожлантириш борасида улкан марралар қўзланган. Эндиликда мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалигининг йиллик ўсиш суръатини камда 5 фоизга, бир гектардан ўртача даромадни 5 минг долларга, экспорт ҳажминини 7 миллиард долларга етказиш назарда тутилмоқда. Бунинг учун тармоқда давлат аралашувига тўлиқ барҳам берилиб, маҳсулот ишлаб чиқариш саноат босқинчиға олиб чиқилади. Туманлар аниқ маҳсулотлар етиштиришга ихтисослаштирилиб, давлат деҳқонларни қўллаб-қувватлаш учун субсидиялар ажратади. Шунингдек, аграр тармоқдаги кластер корхоналари ва фермер ҳўжаликлари фаолиятини барқарор, қўлай шарт ва муддатларда молиялаштириш ҳамда суғурталашнинг мутлақо янги механизмларига ўтилади. Давлат идоралари томонидан нарх белгиланган ҳамда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини маҳбурий сотиб олиш тизими тўлиқ бекор қилиниб, эркин бозор муносабатлари жорий этилади. Келгуси беш йилда интенсив боғларни 3 ва иссиқхоналарни 2 баробар кўпайтирган ҳолда мамлакатимиз экспорт

салоҳиятини яна 1 миллиард долларга ошириш кўзда тутилган.

Озиқ-овқат таъминотини мустаҳкамлаш — асосий мақсад

Қишлоқ ҳўжалиги йил сайин замонавий тармоққа, озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ва ишлаб чиқаришнинг асосий бўғинига айланиб бормоқда.

Шу қатори чорвачилик тармогини ҳам жадал ривожлантириш, замонавий ва ин-



Ҳосан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

новацион услубларни жорий этиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш ва турларини кенгайтириш, аҳолини маҳаллий шароитда ишлаб чиқарилган сифатли ҳамда арзон чорва маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашга катта аҳамият қаратилади. Бу йўналишда қабул қилинган қатор ҳўқуқий ҳужжатлар ички истеъмол бозорини гўшт, сут, туҳум ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, озуқа базасини кўпайтириш, насчлиқни яхшилашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Шу боис охириги йилларда мева-сабзавот, гўшт, сут, туҳум, балиқ, асал каби маҳсулотларни етиштириш кўрсаткичлари ўсиб борапти.

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоят ва туман ҳўқимликларини чорвачилик субъектларида чорва моллари бош сони ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ҳамда чорва мол бош сонига

мутаносиб равишда озуқа экин ер майдонларининг ажратилиши бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланиб, қатор амалий ишлар қилинмоқда.

Хусусан, чорвачилик озуқа базасини мустаҳкамлаш учун асосий озуқа экинлари майдони 405,3 минг гектар бўлиб, (2021 йилда 339,7 минг гектар) ўтган йилдагига нисбатан 66 минг гектар кўп ажратилди. Такрорий озуқабоп экинлар экиш учун режалаштирилган 221,3 минг гектар галладан бўшакан майдонларга тўлиқ такрорий макжаҳўри экинни экилди. Бундан ташқари, келгуси йил учун 12,4 гектар янги беда, 102,2 минг гектар оралиқ озуқа экинлари экиш белгиланган бўлиб, ҳозирда экиш ишлари якунига етказилмоқда.

Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича берилган субсидия ва имтиёзлар натижасида жорий йилда гўшт ишлаб чиқариш ўтган йилдагига нисбатан чорвачилик фермер ҳўжаликларида 137,7 фоиз, сут 104,2 фоиз, чорвачилик қишлоқ ҳўжалиги корхоналарида гўшт 129 фоиз, сут 127,4 фоиз кўпайди.

Ернинг ҳар қаричи — олтинга тенг

Халқимизда «Ери бойнинг — эли бой» деган ҳикмат бор. Кейинги йилларда ушбу

Бугунги кунда мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ернинг умумий майдони 20 236,3 минг гектарни ташкил этади. Уни кенгайтириш бўйича охириги йилларда катта ишлар қилинди. Хусусан, 2021 йилда 320 минг гектар ерни қайта фойдаланишга киритиш, лалми ва яйлов ерларини ўзлаштириш учун суғориш қудудларини қазिश, насос агрегатларини ўрнатиш ҳамда янги мевали боғлар ва тоқзорлар барпо этиш ишлари тизимли равишда амалга оширилди. Мухтасар айтганда, бугун мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиги соҳасида кечаётган ислохотлар халқимизнинг фаровон турмуш кечириши, юртимиз тараққиётини таъминлашнинг кафолати бўлиб хизмат қилипти. Муҳими, бу янгиланиш ва ўзгаришларни одамлар ўз хаётида сезмоқда. Президент раҳбарлиги остида амалга оширилаётган стратегия ва ислохотлардан қўзланган асосий мақсад, ички бозор ва экспортга йўналтирилган қишлоқ ҳўжалиги соҳасининг рақобатбардошлигини ривожлантиришдан иборат бўлиб, бу фермерларнинг даромадини ошириш, янги иш ўринларини яратиш, озиқ-овқат ҳавфсизлигини кучайтириш ва табиий ресурслардан барқарор фойдаланиш имконини беради.

Шавкат ҲАСАНОВ,
Тошкент давлат аграр университети Самарқанд филиали директори,
иқтисодий фанлари доктори.

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР АСОСИДА 400 ТА ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛАДИ

Президентимизнинг пахтачиликда кластер тизимини йўлга қўйиш борасидаги ташаббусидан илҳомланиб, ҳомашаёдан тайёр маҳсулотгача бўлган жараённи ўз ичига олган «Amudaryotex» масъулияти чекланган жамият шаклидаги хорижий корхонани ташкил қилганмиз.



Бугунги кунда бу ерда пахтани қайта ишлаш орқали калава ип ишлаб чиқариб, Хитой, Покистон, Бирлашган Араб Амирикларни, Туркия каби давлатларга экспорт қилинмоқда.

Корхонада 2019 йили туманда етиштирилаётган пахта ҳосилининг 50 фоизи кластер шаклида қайта ишланиб, 5 млн. 300 минг АҚШ доллари миқдориде маҳсулот экспорт қилган бўлса, 2020 йилдан пахта ҳосилини тўлиқ кластер шаклида қайта ишлаш йўлга қўйилди. Натижада ишлаб чиқариш қувватлари ошди ҳамда биринчи йилнинг ўзига 7 млн. АҚШ доллари, 2021 йили 9 млн. 824 минг долларлик маҳсулот экспорти амалга оширилди. 2022 йилнинг

ўтган даврида 4 млн. 929 минг долларлик маҳсулотимизни четга сотдик.

Таъкидлаш жоизки, экспорт ва инвестицияларни ривожлантириш Ҳўкумат комиссияси томонидан корхонамизда пневматик калава ип ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш белгиланди ҳамда бу орқали қўшимча 2 млн. АҚШ доллари миқдориде маҳсулотлар экспортни амалга ошириш имконияти яратилмоқда.

Шунингдек, корхона томонидан умумий қиймати 280 млрд. сўмлик 4 та лойиҳа — пахта тозалаш, ёғ маҳсулотлари, калава ип, мато ишлаб чиқариш фаолиятларини ташкил этиш орқали қўшимча 400 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган.

Албатта, тақдим этилаётган имкониятлардан самарали фойдаланиб, ҳудудни иқтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш ҳамда янги иш ўринларини яратиш билан халқимизнинг турмуш тарзини янада фаровон қилишда бор куч-гайратимизни аямаймиз.

Маҳмуд МУХАНОВ,
Қорақалпоғистон Республикасидаги «Amudaryotex» ХК кластер корхонаси директори.

ЯНГИЧА ИШЛАЙДИГАН ВА ЯШАЙДИГАН ЗАМОН КЕЛДИ

Анъанавий усулда деҳқончилик қилиб, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларни етиштириш тизими бугунги тезкор замонда унчалик ўзини оқламапти. Давр соҳада инновациялардан кенг фойдаланиш, илм-фан ютуқлари, замонавий технологияларга таяниб иш юртишнинг тақозо этмоқда. Шундан келиб чиқиб, аграр тармоқни ривожлантиришнинг «ўсиш нукталари» аниқланаётир, агрокластерлар тармоқнинг локомотивига айланмоқда.

Касбим ипачили-агроном, нафақага чиқунга қадар Ҳазорасп туманида пиллачилик агрономи вазиғасида ишладим, ўқув ишлаб чиқариш комбинатида ёшларга қишлоқ ҳўжалиги асосларидан сабоқ бердим. Президентимизнинг илм-фанага бўлган эътибори, қишлоқ ҳўжалигида ишлаб чиқаришни илмий асосда ташкил этиш соҳани ривожлантиришнинг ягона йўли экани ҳақидаги фикрлари мени илмий тадқиқотлар қилишга ундади.

Шу боис 2019 йилдан бошлаб Тошкент давлат аграр университетининг ипачилик ва тутчилик кафедрасида илмий изланувчи сифатида тадқиқотларни давом эттирдим. 2020 йили 72 ёшимда илмий ишимни муваффақиятли ҳимоя қилдим. Университет ҳузуридаги илмий кенгашининг қарорига асосан менга қишлоқ ҳўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори илмий

даражаси берилди.

Мақсадим мамлакатимиз илм-фани, қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришга ҳисса қўиш, қолаверса, ёшларга илмга қизиқишлари учун мотивация беришдир.

Ҳозирги кунда ҳам тадқиқотларимни давом эттиряпман. Меҳнатларим самараси мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиги ривожига хизмат қилишдан жуда хурсандман.

Иброҳим ҚУРБОНОВ,
қишлоқ ҳўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори.

Хоразм вилояти

Қишлоқ ҳўжалигида пиллачилик муҳим йўналишлардан биридир. Бу борадаги амалий ҳаракатлар ривожини эса тутчиликсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис республикамизда кейинги йилларда соҳага оид қатор Фармон ва қарорлар қабул қилинган, бунинг натижасида ҳудудларда тутчилик ва пиллачилик соҳасида бир қанча ижобий ютуқларга эришилмоқда.

Андижон вилоятининг Марҳамат туманидаги тутчилик кластери ана шу эътибор маҳсули ҳисобланади. Юртимизда соҳа тараққиётига эътибордан сунг «Ипак» фермер ҳўжалигида кўчат етиштириш, унинг маҳаллий иқлимга мос навларини яратиш муҳим босқинчиға кирди. Шу тариқа, 2021 йилда ҳўжалик кластерга айлангирилди.

ТУТЧИЛИККА ИЛМЙ ЁНДАШУВ САМАРАСИ



Жаҳон амалиётда йил давомида ҳосил йиғиш тажрибаси оммалашган. Иқлим жиҳатидан қўлай ва муносиб шароит мавжуд бўлса-ю, нега бу имкониятдан фойдаланмаслигимиз керак? Иланишларимиз эса бунинг учун, аввало, тут навини янгилаш лозимлигини исботлади. 2017 йили «Марҳамат — 2017» навини яратдик. Илм апроғи катта, юмшоқ, қалин ва фойдал озуқаларга бой бўлган боис пиллачиликда муҳим аҳамият касб эта бошлади. Бу Андижон вилоятида бир йилда тўрт мартагача ҳосил йиғиш имконини берди. 2021 йилга келиб «Янги Андижон» нави яратилди. У касалликка чидамлиги, иқлим ўзгаришларига бардошлилиги, қолаверса, пилла қурти эгачи кўпала фойдали озуқа моддаларига эгаллиги билан аҳамиятлйдир.

Кластер таркибида «In vitro» лаборато-

Қишлоқ ҳўжалигида бошқарувнинг замонавий тизими кластер усулига ўтилиши соҳа тараққиётда кескин бурилиш ясаганлиги тобора кўпроқ кўзга ташланиб бормоқда. Буни кластер тасарруфида бўлган Мингбулоқ ва Поп туманларидаги 617 та фермер ҳўжалиги мисолида ҳам кўриш мумкин. Улар билан 87 минг 184 гектар майдонда пахта ва 60 минг 283 гектар ерда галла етиштириш бўйича тузилган шартномаларнинг изчил бажарилиши ҳар икки томоннинг иқтисодий жиҳатдан юқсалишига хизмат қилаётир.

Хусусан, фермерларимизнинг жорий деҳқончилик йилида пахта ва галладан олган даромади 191,8 миллиард сўмни ташкил этди. Юқори ҳосилдорликка эришган бир қатор ҳўжаликлар моддий манфаатдорлиқ ўтган йилгидан кескин ортганидан хурсанд. Масалан, Мингбулоқ туманида-

ги «Кумушбиби Мўйдинова», «Аббосбек илгор» фермер ҳўжаликлари 1,6 миллиард сўмга етказиб соф фойда олди.

Кластернинг афзаллиқлари нафақат ҳосилдорлиқни ошириш, балки етиштирилган ҳомашёни тўла қайта ишлаш орқали юқори пировад натижага эришилаётга-

нида ҳам яққол кўринмоқда. Бунинг учун бизда пахтани тайёр маҳсулотга айлантиришнинг тўлиқ технологик занжири яратилган. Учта пахта тозалаш, учта йигирув, учта тўқув-бўёқ ва 8 та тикувчилик корхонамизда ички ва ташқи бозорга йўналтирилган юқори сифатли маҳсулотлар тайёрланмоқда. Шу йилнинг ўтган даврида корхоналаримиз томонидан Россия, Молдова, Қозғистон, Қирғизистон ва Туркия давлатларига 29,3 миллион АҚШ долларига тенг текстиль маҳсулотлари экспорт қилинди.

Кўп тармоқли агрокластеримиз ҳар

СИРДАРЁ АНОРИ ШАРБАТИ ЕВРОПАГА ЭКСПОРТ ҚИЛИНАДИ

Дастлаб томорқадан бошланган анорчилик билан боғлиқ ишим тез орада бунчалар кенг қўламдаги бизнесга айланади, деб ўйламаган эдим. Бундан қарийб беш йил аввал, яъни 2018 йилда томорқадан ташқари 2 гектарда анорзор барпо қилдик. Кейин бу майдон 4, сўнгра 7 гектарга етди. Ҳозир эса 109 гектар еримиз бор. Шундан 59 гектарига анор кўчатлари ўтказганмиз. Бу кенг-мўл боғдан олинадиган ҳосилни юз фоиз қайта ишлаймиз.

Анор — мевасидан баргигача фойдали, даромад келтирувчи усимлик. Биз буни Европа Иттиқоқининг «Ўзбекистоннинг қишлоқ ҳудудларини барқарор ривожлантириш» дастури доирасидаги лойиҳа натижасида амалда кўрдик. Тўрт йил давом этган ушбу ҳамкорлиқни яқинда яна шунча вақтга давом эттириш бўйича меморандум имзоладик.

Анор етиштириш ва уни чуқур қайта ишлаш бўйича бу йил озарбайжонлик тадбиркорлар билан яна бир катта лойиҳани бошладик. Лойиҳа қиймати 20 миллион доллар бўлиб, у нафақат анор мевасидан, балки барги, данаги, пўстлогидан ҳам даромадли, харидоригр маҳсулот олишни таъминлайди. Яъни юқорида келтирилган дастур бўйича анордан шарбат олинган бўлса, тез орада дана-гидан мой, барги ва пўстлогидан қора ҳамда қўқ чой тайёрлашни ҳам бошлаймиз.

Қолаверса, анорзорларнинг умумий майдонини 600 гектарга етказиш режалаштирилган. Янги боғларга Озарбайжондан ҳар түпи ўртача 100 килограмм ҳосил берадиган анор кўчатлари ўтказилди. Натижада йилига 1,5 миллион литр анор шарбати ишлаб чиқаришга эришилади. Эътиборлиси, маҳсулотимизни хорижа — Европага экспорт қилинади.

Бундан 5-6 йил аввал, асосан, ички бозорларимизни таъминлаган аноримиз эндиликда дунёга чиқмоқда. Бун-



да, албатта, давлатимиз томонидан ушбу тармоқни ривожлантиришга бўлган катта эътибор муҳим омил бўлаётир. Бунга биргина шу йил Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида илк бор ўтказилган республика «Анор» фестивали ҳамда олий таълимда анорчилик йўналиши ҳам чуқур ўқитилаётгани ва бу борада илмий тадқиқот ишлари олиб борилаётганини мисол келтириш мумкин. Айни чоғда ўзим ҳам анорчилик бўйича дарслик-қўлланма тайёрлаяпман. Уйлайманки, узоқ йиллик кузатиш ва ўрганишларим маҳсули бўлган ушбу китоб юртимизда анорчиликни янада ривожлантиришга озми-кўпми хизмат қилади.

Исроил НЕЪМАТОВ,
Мирзобод туманидаги «Деҳқонлар асп анори» ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари,
«Дўстлик» ордени соҳиб.

ХОМАШЁДАН — ТЎЛИҚ ТАЙЁР МАҲСУЛОТГА

нида ҳам яққол кўринмоқда. Бунинг учун бизда пахтани тайёр маҳсулотга айлантиришнинг тўлиқ технологик занжири яратилган. Учта пахта тозалаш, учта йигирув, учта тўқув-бўёқ ва 8 та тикувчилик корхонамизда ички ва ташқи бозорга йўналтирилган юқори сифатли маҳсулотлар тайёрланмоқда. Шу йилнинг ўтган даврида корхоналаримиз томонидан Россия, Молдова, Қозғистон, Қирғизистон ва Туркия давлатларига 29,3 миллион АҚШ долларига тенг текстиль маҳсулотлари экспорт қилинди.

Кўп тармоқли агрокластеримиз ҳар

икки туманда бандлик дастури ижросига ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Айни пайтда тармоқларимизда 4600 дан кўпроқ доимий иш ўрни яратилган. Илм қўлланаётган ҳозирги паллада ҳамма жойда иш қизиган. Деҳқонларимиз ерларни келгуси йил ҳосилига тайёрлашга киришган бўлса, саноатчиларимиз бюртмачилар билан тузилган шартномаларни охирига етказиш ҳаракатида.

Нурилло АСРОРОВ,
Наманган вилоятидаги «Art soft cluster» кластери раҳбари.

Саминжон ҲУСАНОВ
(«Халқ сўзи»)

Саминжон ҲУСАНОВ
(«Халқ сўзи»)

ИБРАТ МАКТАБИГА АЙЛАНГАН УМР

Улуғ мутафаккир Алишер Навоий умрини халқ дарду ғами, ташвишларини аритишга бағишлаб яшаш одамлиликнинг энг олий намунаси эканлигини таъкидлайди:

Одами эрсанг, демагил одами,
Ониким, йўқ халқ ғамидин ғами.

Атоқли иқтисодчи олим, академик, давлат ва жамият бошқаруви, илм-фан соҳалари тараққиётига улкан ҳисса қўшган арбоб Мурод Шарифхўжаев ана шу ҳикматни ҳаёти шиорига айлантирганди.

Илм-фан фидойилари

Дарҳақиқат, серкўёш ўзбек замини кўксига не-не буюк алломаларни улғайтирган, дунёга қанчадан-қанча уламою шайх, меъмор, тожир, ботир саркардаларни туҳфа этган. Узоқ тарихимизда худди тоғлардек бир-бирига боғланиб кетган бу сиймолар улкан салобат билан кўзга ташланиб туради. Академик Мурод Шарифхўжаев ҳам ана шу илм-маърифатнинг олтин занжирида ажралмас бир халқа эди, десак, муболага эмас. Олим нафақат иқтисодиёт илмининг пири қомили, балки тарих ва фалсафа, адабиёт ҳамда санъат билимдонини ҳам эди.

Мурод Шарифхўжаев таълим, илм-фан фидойиси, ёш авлоднинг ғамхўр ва меҳрибон устози сифатида ўзиндан яхши ном, ўчмас эз қолдирди. Бугун юзлаб шоғирдлари мамлакатимизнинг турли соҳаларида меҳнат қилиб, эл-юртимиз равақига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Устоз олий ўқув даргоҳининг раҳбари, маърифат ва маънавият тарғиботчиси, адолат ҳамда ҳуқуқ мулкчининг ҳақиқий ва покдомон жонқуяри ўлароқ кенг қўламли хайрли ишларга бош-қош бўлди.

Биз у кишини ўтган асрнинг 70-йилларидан билар эдик. Илк бор учрашганимиздаёқ устоз сиймосини ўша вақтдаги таниқли шахсларнинг қиёфасига ўхшатгандик.

1991 йилнинг май ойида Ўзбекистон Президентининг “Тошкент молия институтини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Мурод Шарифхўжаев унга ректор этиб тайинланди. Шу-шу бизга 20 йил давомида устознинг мактабларини ўтаб, елкама-елка ишлаш бахти насиб қилди...

Инсон умрининг мазмуни яшаган ёши билан эмас, балки жамият учун қандай фойдалар ишлар қилгани, қандай эзгу амалларни адо этгани билан ўлчанеди.

Мурод Шарифхўжаев умри давомида замондошларига ўрнак бўладиган эзгу амалларни бажарди. Савобли, замондошлари кўнглига чироқ ёқадиған, ёшларга ҳаёти учун йўлни юлдуз бўладиган ишларни адо этди.

У киши чин маънодаги зиёли инсон эди. Камтаринлик, хокисорлик, мулоимлик, кенгфикрлик, олижаноблик, ватанпарварлик, халқсеварлик унинг кўплаб эзгу фазилатларини янада безар, обрўсига обрў қўшарди. Ёнига бирор маслаҳат ёки ёрдам сўраб келган инсонни очик юз билан қутиб олар, ундан баҳоли кудрат кўмагини аямасди. Ҳар бир одамнинг кўнглига қараб гапи-

рар, дилини оғритиб қўямасликка интиларди, аини пайтда руҳиятини кўтарадиган, далда бўладиган яхши сўзларни топиб айтарди.

Бу бежиз эмас эди. Бинобарин, устознинг болалиги ва ўсмирлиги уруш йилларида тўғри келган. Қаҳатчилик, очарчилик, ўша дамлардаги мураккаб ва тахликали ҳаёт Мурод Шарифхўжаевни турли синовлардан ўтказиш, иродасини тоблаш билан бирга, унга инсонни қадрлашни ўргатганди, меҳр-оқибат, бағрикенглик ҳислатларини юксалтирганди.

Шунингдек, ўта оғир турмуш бу инсонни ёшлиқдан чўқур билим олишга ундаган. Қанчалик оғир бўлмасин, эзгу мақсадлари сари интилишга, бахтини илмдан излашга чорлаган.

этишди. Ҳар бир берилган вазифа ва топшириқни катта масъулият, юксак жавобгарлик билан ўз вақтида бажарардим. Ўқишда ҳам юқори натижалар кўрсатдим. Институтни 1953 йилда имтиёзли диплом билан битирдим”.

Демак, Мурод Шарифхўжаевга, аввало, ҳаётнинг ўзи мураббийлик қилган, тарбиялаган. Қолаверса, оддий деҳқон оиласида дунёга келганига қарамай тиришқоқлиги, интилувчанлиги, тугма салоҳияти, меҳнат билан ҳаётда юксак мартабаларга эришган.

Олим Ўзбекистонда капитал қурилиши, иқтисодиёт назарияси равнақи, мустақиллиқни мустаҳкамлаш, иқтисодиётни эркинлаштириш, халқ ҳўжалигига таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш ва бошқа масалаларда илмий ёндашувлари, илғор таклиф ҳамда ташаббуслари билан фаол қатнашди.

Ярим асрдан кўпроқ илмий-педагогик фаолияти давомида 70 дан ортиқ фан номзоди ва фан докторларини тайёрлади. Ўнлаб монография, ўқув қўлланмалари ва дарсликларни чоп этди. Хусусан, профессор Аҳмад Улмасов билан ҳаммуаллифликда ёзган “Иқтисодий назария” ва бирга ҳаммуаллифликда ёзган “Менежмент” дарслигимиз “Йилнинг энг яхши дарслиги номинан-



сафига мажбуран қабул қилишди. Чунки у даврда партия сафида бўлмаганларни лавозимга тайинлашмасди.

Мурод Шарифхўжаев юқорида таъкидлаганимиздек, қайси лавозимда ишламасин, барчага яхшилик илдинди. “Қўлингиздан яхшилик қилиш келмаса, бошқаларнинг эзгу ишларини бажаришига тўқинлик қилманг. Шунинг ўзи сизнинг одамларга қилган яхшилигингиз бўлади”, деб кўп такрорларди.

У кишининг Тошкент молия институтини ректори сифатида ходимларига, ҳамкасбларига ғамхўрликларини тез-тез эслаб турардим. Хусусан, раҳбаримиз ташаббуси билан институтда бошқа олий ўқув юртилари орасида биринчилардан бўлиб профессор-ўқитувчиларга рейтинг асосида юз фойзгача қўшимча устама ҳақ тўлаш жорий қилинганди. Кейинчалик мазкур эзгу тadbирни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан барча институт ҳамда университетларда ҳам қўллаш тасвия этилди.

Бу инсоннинг талабаларга нисбатан меҳрибонликлари ҳам беқийс эди. Маълумки, ўша даврларда куз келиши билан барча ўқув муассасалари пахта йиғим-теримига жалб қилинарди. Устоз биринчилар қаторида қоржомани кийиб, талабалар билан бирга пахта даласига жўнардан ва қиш-қировли кунларда ҳам — декабрь ойининг охиригача жамоага ҳамдам бўларди.

Шу ўринда бир воқеани эсласак ибратдан холи бўлмас. Кунларнинг бири-

Ҳаёт оқар дарё экан. Устоз Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврини кўра олмади. Бу даврда илм аҳлига, хусусан, академикларга давлат миқёсидаги эътибор янада кучайганини, инсон чинакам кадр топганини кўрганида олим ниҳоятда хурсанд бўлиши аниқ эди. Балки давлатимиз раҳбарининг академиклар билан учрашувларида қатнашар, бундан қалбидида ғуборилар ариб, руҳан ёшарарди. Ёнг муҳими, бу инсоннинг юксак салоҳияти, истикболли таклиф-ташаббуслари юртимизнинг бугунги тараққиётида гоят асқатарди.

Халқимизда “От изини той босар”, деган нақл бежиз айтилмайди. Мурод Шарифхўжаевнинг шоғирдлари, фарзандлари, набиралари бугун қандай улугъ зотнинг авлоди эканини чўқур англаб, бу инсонга муносиб бўлишга интилиб яшамокда. Ҳа мекнати, салоҳияти билан юртимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигига ҳисса қўшмокда.

Донлар айтимишки, умр бир соз эмиш. Уни кимдир соз, кимдир эса носоз чалиб ўтади. Устознинг умри ниҳоятда нафис қуйлар таратган, ҳангоҳ оҳанглари дилларга ҳушнудлик улашган кўркам соз эди. Шу боис уни ҳар биримиз ибрат мактаби, деб биламиз.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор. Ёрқин АБДУЛЛАЕВ, Реклама

Имконият

ИНКУБАЦИЯ МАРКАЗИ ФАОЛИЯТ БОШЛАДИ

Хоразм вилоятида ахборот технологиялари соҳасида янги лойиҳаларни амалга ошириш ва бу жараёнда ёшларнинг интеллектуал салоҳиятидан самарали фойдаланиш мақсадида инкубация марказлари ташкил этилмокда.



Бундай марказлар Тошкент ахборот технологиялари университети ва IT-парк Урганч филиалларида фаолият олиб бораётган эди. Эндиликда ахборот технологиялари йўналишидаги инкубацион марказ Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиалида ҳам ташкил этилди. Инкубация марказида талабалар учун турли консалтинг, мусобақа ва семинарлар ўтказилади. Бу ерда яратилган шaroитлар талаба-ёшларга ўзларининг гояларини инновацион лойиҳаларга айлантириш имконини беради.

Одилбек ОДАМБОЕВ
(«Халқ сўзи»).

Бунёдкорлик

ЯНГИ МАҲАЛЛА БИНОСИ ОЧИЛДИ

Жорий йилда Фарғона вилоятида 134 та маҳалла фуқаролар йиғини учун янги бинолар қуриш режалаштирилган бўлиб, улар орасида Риштон туманидаги “Дашт тегирмон” МФЙ ҳам бор.



Яқинда ушбу маҳалла идораси учун давлат-хусусий шериклик асосида қуриб битказилган янги бинонинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

— Қарийб 4 минг аҳоли истиқомат қиладиган маҳаллада бундай қулай шaroитга эга идорага кўп йиллардан бери зарурат сезилаётганди, — дейди “Дашт тегирмон” МФЙ раиси Абдураззоқ Мўминов. — Янги замонавий идорада ҳўим ёрдамчиси, маҳалла инспектори, ёшлар етакчиси ва хотин-қизлар фаоли учун алоҳида хоналар керакли моддий-техника воситалари ҳамда мебелъ жиҳозлари билан таъминланди. Қурилиш ва жиҳозлаш ишлари учун 220 миллион сўм маблаг сарфланди.

Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи»).

Спорт

МАМЛАКАТ ЧЕМПИОНИ ВА СУПЕРКУБОГИ ҒОЛИБИ АНИҚЛАНДИ

Тошкент шахрида волейбол бўйича хотин-қизлар ўртасида V Ўзбекистон суперкубоги мусобақиси бўлиб ўтди.

Мусобақанинг якуний босқичида 2022 йилги мавсум чемпиони бўлган Қорақалпоғистон Республикасининг Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини жамоаси ҳамда Ўзбекистон кубогини ғолиби Жиззах вилоятининг Жиззах давлат педагогика университети жамоалари ўзаро куч синашди. Учрашувда нукуслик волейболчи қизлар 3:0 ҳисобида ғалаба қозонди.

Шу тарика Нукус давлат педагогика институтини жамоаси волейбол бўйича Ўзбекистон суперкубоги ҳамда Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритди. Мусобақа якунида мазкур жамоа аъзоларидан Н. Рейимбаева “Энг кучли ўйинчи”, А. Жолдасбаева “Энг яхши ҳужумчи” номинациялари бўйича ғолиб, дея топилди.

«Халқ сўзи».

Молия муассасаларида

«ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ» ЎТКАЗИЛДИ

“Агробанк” АТБ томонидан “Коррупцияга қарши курашиш ҳафталиги” доирасида “Очиқ эшиклар куни” ўтказилди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари, банк ходимлари ҳамда талабалар иштирок этган тадбир Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан ҳамкорликда ташкил этилди.



Agrobank

“Очиқ эшиклар куни” доирасида банкнинг Комплеанс-назорат таркибий тузилмиси томонидан олиб борилаётган ишлар ва коррупцияга қарши курашиш ҳолати билан ақиндан танишилди.

Бугунги кунда банк томонидан коррупцияга қарши курашиш, уни келтириб чиқараётган сабаб ва шарт-шaroитларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш борасида тизимли чоралар қўрилмокда. Бунда Президентимизнинг жорий йил 12 январда қабул қилинган “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш ти-

зимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор дастуриламал бўлмокда.

Хабарингиз бор, ушбу ҳужжатга кўра мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишда илғор хорижий тажрибалар кенг қўлланилиб, халқаро стандартлар жорий этилди. Ташкилотларнинг бу борадаги ишлари самарадорлигини ошириш мақсадида рейтинг баҳолаш индикаторлари ишлаб чиқилди.

Мазкур тадбирда ҳам Коррупцияга қарши курашиш агентлиги масъуллари томонидан ҳамкорликдаги ишларга бағишланган тақдирот намойиш этилиб, унда “Агробанк” тизимида коррупцияга қарши курашиш сиёсати, одоб-ахлоқ кодекси, манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисида низом, алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида регламент, коррупциявий ҳавф-хатарларини баҳо-



лаш услубиёти каби ички меъёрий ҳужжатлар пухта ишлаб чиқилганлиги алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, тижорат банки ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокидаги “Очиқ эшиклар куни” тадбирида мавзуга тегишли қўллаб саволларга жавоблар берилди.

«Халқ сўзи».

Хизматлар лицензияланган.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1248. 14 155 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоли келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълолар 71-232-11-15.



“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Қорхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. Топширилди — 23.20 1 2 3 4 5 6

Тахририятга келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исмолов.